

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖАББАРОВ ЗАФАРЖОН АБДУКАРИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДИ ЧЎЛ ТУПРОҚЛАРИНИНГ
НЕФТЬ ВА НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ИФЛОСЛАНИШИ ВА
УЛАРИНИНГ РЕКУЛЬТИВАЦИЯСИ**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)
on biological science**

Жаббаров Зафаржон Абдукаримович

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди чўл тупроқларининг нефть ва нефть
маҳсулотлари билан ифлосланиши ва уларнинг рекультивацияси..... 3

Жаббаров Зафаржон Абдукаримович

Загрязнение степных почв южных регионов Узбекистана нефтью и
нефтепродуктами и их рекультивация..... 25

Jabbarov Zafarjon Abdugarimovich

Pollution of steppe soils of southern regions of Uzbekistan with oil and petroleum
products and it is reclamation..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖАББАРОВ ЗАФАРЖОН АБДУКАРИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДИ ЧЎЛ ТУПРОҚЛАРИНИНГ
НЕФТЬ ВА НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ИФЛОСЛАНИШИ ВА
УЛАРНИНГ РЕКУЛЬТИВАЦИЯСИ**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/B29 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар: Юлдашев Гулом

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Анвар Ҳайдарович

биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Джуманиязова Гулнора Исмаиловна

биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти хузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz.)

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Қ.Кўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

М.М.Тошқўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда турли саноат тизимлари фаолияти, фойдали қизилма конларини қазиш, улардан турли соҳаларда фойдаланиш жараёнлари ва антропоген омиллар таъсирида тупроқ қопламанинг кимёвий ифлосланиши, уларнинг хосса-хусусиятларини ўзгариши ҳамда унумдорлигининг пасайиши кузатилмоқда. ¹Тупроқларнинг ифлосланиши турли шаклларда вужудга келиб, уларнинг деградациясига, ҳосилдорлигининг сифат ва миқдор жиҳатдан пасайишига ҳамда экосистема билан боғлиқ муаммоларни шаклланишига олиб келмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгач барча соҳаларда, жумладан ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳаларида илмий, амалий ишлар тизимли йўлга қўйилди ҳамда муайян натижаларга эришилди. Бу борада турли тупроқ типлари бўйича нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланишнинг генетик қатламлар ва масофалар бўйича фарқлари исботланди, тупроқ унумдорлигининг тикланиш кўрсаткичлар ҳамда мос коэффицентлари ишлаб чиқилди, чўл минтақаси тупроқлари учун рекультивациянинг индивидуал тадбирлари ва биологик усулга асосланган технологияси яратилди. Мамлакатимизни жадал ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мавжуд муаммоларни замонавий биологик технологиялар асосида ҳал этиш, органик дехқончиликни кенг жорий этиш каби тадбирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда нефть ва нефть маҳсулотлари билан турли даражада ифлосланган тупроқлар учун ҳудуд иқлим шароитига мос рекультивация тадбирларини яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Чўл минтақаси шароитида нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқлар рекультивацияси учун манбалар бўйича ифлосланиш ҳолатини, улардаги фарқларни ўрганиш, тупроқларнинг физик-кимёвий, агрокимёвий, микробиологик, биологик хоссаларини аниқлаш, рекультивация омиллари, алгоритми, босқичларини ажратиш, тупроқ хоссалари ва ифлосланиш тавсифини инобатга олган тарзда тадбирларни танлаш, рекультивация жараёнини даврлаштириш, тупроқ унумдорлигининг дастлабки тикланиш кўрсаткичлари, улар учун тегишли коэффицентлар ишлаб чиқиш, тупроқларнинг ҳозирги ифлосланиш ҳолатини таҳлил қилиш, келажакда ифлосланиш бўйича башорат қилинган хаританомаларни яратиш, олинган натижалар асосида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирларини белгилаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги

қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2460-сон Қарори, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 31 майдаги «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5065-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Тупроқларнинг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши, хоссаларининг ўзгариши ҳамда тупроқ унумдорлигининг тиклашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Universidade Federal do Rio de Janeiro (Бразилия), Universidad Politecnica del Golfo de Mexico (Мексика), The Hebrew University of Jerusalem (Исроил), Россия Фанлар академияси Биология институти (Россия), Devi Ahilya University, Indore (Ҳиндистон), University of Helsinki, (Финландия), University of Port Harcourt (Нигерия), Ўзбекистон Миллий университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Тупроқларнинг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши, тупроқ-иқлим шароитига мос рекультивация технологиясини яратишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: нефть билан ифлосланган тупроқларда биостимуляцияни фаоллаштириш ва бактериялар консорциуми қўллаш амалга оширилган, натижада тупроқнинг рН-муҳити, азот ва фосфор миқдори яхшиланиши аниқланган (Universidade Federal do Rio de Janeiro, Бразилия); нефть углеводородларини парчаланишида ўсимлик ризосферасининг таъсир этиши натижасида тупроқларнинг тозаланиши ва хоссаларининг яхшиланиши исботланган (Academia de Ingenieria en Agrotecnologia, Universidad Politecnica, Мексика); ўзига хос липид ва нанолипосомалардан иборат препарат юқори ҳарорат (50°C) ва шўрланиш (NaCl, 32% гача) шароитида қўлланилиши натижасида тупроқнинг юқори даражада тозаланиши аниқланган (The Hebrew University of Jerusalem, Исроил); нефть билан ифлосланган тупроқларни тозалашда органик

Ўғитларни қўллаш нефть концентрациясининг камайтириши ва катионлар

²Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.ufrj.br>, <http://www.upgm.mx/inicio>, <http://www.new.huji.ac.il>, [www.http://ib.anrb.ru/inbio_r.htm](http://ib.anrb.ru/inbio_r.htm), <http://www.dauniv.ac.in>, <http://www.uniport.edu.ng> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

6

алмашинуви ҳамда унумдорликнинг яхшилаши асосланган (University of Port Harcourt, Нигерия).

Дунёда тупроқларнинг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши ва уларнинг рекультивацияси бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тупроқ хоссаларининг ўзгариши, органик углерод миқдорининг ортиши, гумификация жараёнини яхшилаш, тупроқ типлари бўйича рекультивация тадбирларини ишлаб чиқиш, биоремедиация ҳамда фиторемедиация жараёнини такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигининг қайта тиклаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроқларнинг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши, хоссаларининг ўзгариши ва биологик усулга асосланган рекультивация йўналишида илмий тадқиқотлар республикамиз олимларининг ишларида учрамасада, механик усул бўйича М.Н.Мусаев, А.А.Худайберганова, микробиологик таҳлиллари М.Г.Сағдиевалар томонидан ўрганилган. Хорижий олимлардан А.А.Околелова, Р.Р.Сулейманов, А.И.Владимирова, Н.А.Киреева, А.В.Карпов, В.О.Оконокхиа, В.Икхажиаге ва бошқа олимлар ўрганишган. Бироқ, тупроқларнинг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши жараёнидаги қонуниятлар ва бунда тупроқ хоссаларининг ўзгариш механизмлари ўрганилмаган. Шунингдек, чўл минтақаси тупроқлари учун биологик рекультивация технологиясининг илмий асоси ва тупроқ унумдорлигининг тикланиш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф4-055 «Ўзбекистон тупроқларининг минтақавийлиги қонуниятлари, суғориладиган тупроқларнинг антропогенезисини, уларда структура ҳосил бўлиш механизми ва ифлосланиш тенденциялари» (2007-2011 йй.), А-7-005 «Чўл минтақаси тупроқларининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш ҳолати ва биологик тозалаш усулига асосланган рекультивация технологиясини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.) мавзусидаги амалий ва фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди чўл минтақаси тупроқларининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланишини манбалар бўйича фарқларини ажратиш, биологик тозалаш усулига асосланган рекультивацияни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тупроқларнинг турли ифлосланиш манбалари бўйича нефть ва нефть

маҳсулотлари билан ифлосланиш ҳолати ҳамда улардаги фарқларни ажратиш;

тупроқларнинг физик-кимёвий, агрокимёвий, микробиологик, биологик хоссаларига нефть ва нефть маҳсулотларининг таъсирини аниқлаш;

7

тупроқ иқлим шароити, хоссалари ва ифлосланиш тавсифини инобатга олган ҳолда, рекультивациянинг индивидуал омиллари, алгоритми, босқичлари ҳамда технологиясини яратиш, рекультивация жараёнини даврлаштириш;

нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқлар унумдорлигининг қайта тикланиш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш; тупроқларнинг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши бўйича ҳозирги ҳамда истиқболдаги ҳолати башорат қилинган хаританомалар яратиш;

чўл минтақаси нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқларнинг биологик рекультивациясини иқтисодий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг чўл минтақасида тарқалган сур қўнғир, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал, суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқлари ҳамда Сурхондарё вилояти чўл минтақасининг тақирли, қумли чўл ва суғориладиган сур қўнғир тупроқлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети тупроқларнинг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши, ифлосланиш тавсифи, унинг таъсирида тупроқнинг агрокимёвий, физикавий, микробиологик, биологик, кимёвий хоссаларининг ўзгариши, биологик тозалаш усули, рекультивация тадбирлари ҳамда унумдорлик ҳолати ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва лабораторияда бажарилган тажрибаларда тупроқшуносликдаги замонавий усуллар қўлланилган, жумладан тупроқдаги оғир металллар Aqua regia, микроэлементлар атом абсорбцион спектроскопия (AAS), органик углерод ва гумус миқдори Spectrophotometric UV-VIS усуллари, нефть ва нефть маҳсулотлари миқдори РД.118.3897485.13-92 кўрсатмаси, рекультивация тадбирлари (ГОСТ. 17.5.3.04-83) давлатлараро стандарти, масофалар бўйича минтақаларга ажратиш Х.А.Джувеликян, математик-статистик қайта ишлаш Б.А.Доспехов усули бўйича «Statgraphics Centurion XVII» дастурида, хаританомалар ArcGIS ва SAS планет дастурида бажарилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор чўл минтақасида тарқалган бир неча тупроқ типларининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш манбалари кесимида масофалар, тупроқ қатламлари бўйича фарқлари очиб берилган;

нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган чўл минтақаси тупроқларида органик ва антропоген углерод ҳамда гумус миқдорининг ўзгариши аниқланган;

нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган чўл минтақаси тупроқлари учун MFD-100 *Pseudomonas stutzeri*, MFD-200 *Pseudomonas*

caryophyllis, MFD-5000 *Bacillus subtilis* штамлари биргаликда қўлланилган рекультивация технологияси ишлаб чиқилган;

8

нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқлар рекультивациясининг индивидуал омиллари, алгоритми, босқичлари ишлаб чиқилган ҳамда рекультивация жараёнининг даврлаштирилиши яратилган;

нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқларнинг рекультивациясидан сўнг тупроқ унумдорлигининг тикланиш кўрсаткичлари ва коэффицентлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: тупроқ типлари бўйича биологик усулга (микробиологик ва фиторемедиация) асосланган рекультивация технологияси ишлаб чиқилган; рекультивациядан сўнг тупроқ хоссаларининг (агрохимёвий, физикавий, биологик, микробиологик) яхшиланиши ва унумдорлигининг тикланиши аниқланган;

келажақда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари тупроқларининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши башорат қилинган ва уларнинг хаританомалари яратилган;

нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланишнинг қишлоқ хўжалигига иқтисодий зарари ҳамда биологик тозалаш усулига асосланган рекультивация технологиясининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги айрим лаборатория тажрибалари Европа (Чехия, Словакия) университетларида бажарилганлиги, рекультивация тадбирлари давлатлараро стандарт (ГОСТ: 17.5.3.04-83) асосида ишлаб чиқилганлиги, яратилган усул 2014, 2016 ва 2017 йилларда инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасининг каталогига киритилганлиги ҳамда «Способ рекультивация нефтезагрязненных почв» номи билан ихтиро сифатида Патентлаштириш учун топширилганлиги (ТҚР №IAP 20170150), Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган журналларда эълон қилинганлиги натижаларнинг ишончилигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чўл минтақасида тарқалган сур қўнғир, тақирли, қумли чўл, суғориладиган тақирли-ўтлоқи, ўтлоқи-аллювиал, сур қўнғир тупроқлари учун алоҳида ёндашув асосида рекультивация тадбирлари ишлаб чиқилганлиги, чўл минтақасининг ҳудудий шароитларига кўра тупроқ хоссаларининг яхшиланганлиги ва унумдорлигининг тикланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган рекультивация технологияси республиканинг чўл минтақаларида нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқларни тозалашга, тупроқ типлари бўйича мос фиторемедиатив тадбирларни қўллашга ҳамда тупроқ

унумдорлигини тиклашга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг жанубий худуди чўл минтақасининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан

9

ифлосланган тупроқлар рекультивацияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

деградацияга учраган тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш, ошириш, сақлаш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2017 йил 4 майдаги 02-05-4172-сон маълумотномаси). Илмий натижалар тупроқ қопламининг нефть маҳсулотларидан тозалаш ва унумдорлигини тиклаш имконини берган;

таркиби бузилган ерларни тиклашда, тупроқ хоссаларини яхшилашда, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида тегишли режа-тадбирларни ишлаб чиқишда жорий этилган (Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 14 августдаги 03/2-2831-сон маълумотномаси). Илмий натижалар тупроқларнинг кимёвий, физикавий, биологик хоссаларини яхшилаш, кимёвий ифлосланган тупроқларни соғломлаштириш имконини берган;

нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқларнинг рекультивациясида фиторемедиация хусусиятли ўсимликларни қўллаш бўйича олинган натижалар Ф-5-01 «Жанубий-ғарбий Тиён-Шон ўсимликлар қопламининг фитоценетик ва популяцион-экологик қонуниятлари» илмий лойиҳасида (ЎЗМУ, 2012-2016 йй.) ўсимликларнинг фитоценотик ва экологик тавсифлашда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 14 августдаги ФТА-02-11/477-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши тупроқ хоссаларининг яхшиланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иши чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати

асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

10

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тупроқларнинг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши, хоссаларининг ўзгариши ва рекультивацияси»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича хорижда ва мамлакатимизда олиб борилган тадқиқот натижалари адабиётлар асосида таҳлил этилган ва батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, нефтнинг кимёвий хоссалари, тупроқларнинг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш ҳолати, тупроқларнинг хосса-хусусиятларига нефть ва нефть маҳсулотларининг таъсири, биологик, физикавий, кимёвий, механик усулларга асосланган рекультивация технологиясининг олиб борилишига оид таҳлиллар келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнггида нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган турли тупроқларнинг нефт парчаловчи микроорганизмлар ва фиторемедиация хусусиятли ўсимликлар асосида чўл минтақаси тупроқ иқлим шароитига мос рекультивация технологияси яратилиши зарурлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий шароитлари ва тажриба усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, ўсимлик дунёси, нефть конлари ва нефтьга саноати фаолиятининг тупроқ қопламани ифлосланишидаги ўрни, ҳудуд тупроқларининг тавсифи ҳамда тадқиқот усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Қашқадарё иқлими ғарбда жойлашган сахро, шарқда жойлашган тоғли ўлка иқлимий жараёнларининг ўзаро муносабати натижасида вужудга келган. Тадқиқот ҳудудида 2010-2015 йилларда йиллик ёғин миқдори 57,5-104,2 мм, июл ойидаги ҳаво ҳароратининг мутлоқ максимум кўрсаткичи +45,4-46,8°C, январда ҳаво ҳароратининг мутлоқ минимум кўрсаткичи -12,7-16,3°C га тенг бўлган, шамолнинг ўртача тезлиги 1,3-1,5 м/с ни ташкил қилган.

Сурхондарё вилояти республиканинг қуруқ субтропик иқлимига хос қуёшли район ҳисобланиб, қиши илиқ, ёзи жазирама, қуруқ ва узок, жуда кўп чанг тўзон олиб келувчи афғон шамоли (тезлиги 2,9-3,1 м/с) хос ҳисобланади. 2010-2015 йилларда ёғин миқдори, 110-149,3 мм атрофида, июлда ҳаво ҳароратининг мутлоқ максимум кўрсаткичи +44,4-44,6°C, январда ҳаво ҳароратининг мутлоқ минимум кўрсаткичи -5,3-16,8°C га тенг.

Тадқиқотлар учун Ўзбекистоннинг нефть ва нефть-газга бой Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятларининг 5 та маъмурий туманларида жойлашган ифлословчи манбалар атрофидан 6 та таянч (калит) нуқталар танлаб олинди: I нуқта - Миришкор тумани Кўкдумалоқ нефть кони атрофида тарқалган сур

кўнғир тупроқлар (КК); II нукта - Нишон тумани Шимолий Оқназар нефть кони атрофида тарқалган суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар (КШО); III нукта - Муборак тумани «Муборакнефтгаз» УШК атрофида тарқалган суғориладиган тақирли-ўтлоқи (КМ); IV нукта - Термиз тумани Учқизил нефть кони атрофида тарқалган сур кўнғир (КУ); V нукта - Жаркўрғон

11

тумани Какайди нефть кони атрофида тарқалган суғориладиган тақирли (ККд); VI нукта - Жаркўрғон тумани Ховдак нефть атрофида тарқалган кумли чўл тупроқлар (КХ) танланган.

Диссертациянинг «**Чўл минтақаси тупроқларининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши ҳамда хоссаларининг ўзгариши**» деб номланган учинчи бобида тупроқларнинг нефть, нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш манбалари ва фаоллаштирувчи омиллари, морфологик белгилари, физикавий, агрохимевий, кимевий, биологик хоссаларининг нефть ҳамда нефть маҳсулотлари таъсирида ўзгариши баён этилган. Тадқиқотларда кўрсатиб ўтилган вилоятлар чўл минтақасида жойлашган 5 та нефть кони ва 1 та нефть-газ саноати фаолиятида тупроқ қопламининг масофалар ҳамда тупроқ қатламлари бўйича ифлосланиш ҳолати тадқиқ этилди. Бунда нефть конлари ва нефть-газ саноати атрофида икки ҳил ифлосланиш ҳолати аниқланди (1-расм).

Натижаларга кўра, манбалар бўйича тупроқларнинг ифлосланиш даражаси фонга нисбатан Кўкдумалоқ нефть кони атрофидаги сур кўнғир тупроқларда 10,3; Шимолий Оқназар нефть кони атрофидаги суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда 6,4; Учқизил нефть кони атрофидаги суғориладиган сур кўнғир тупроқларда 11,2; «Муборакнефтгаз» УШК атрофидаги тақирли-ўтлоқи тупроқларда 2,80; Какайди нефть кони атрофидаги тақирли тупроқларда 2,4; Ховдак нефть кони атрофидаги кумли чўл тупроқларда 82,7 г/кг миқдорда эканлиги аниқланди.


Манбалар атрофида тарқалган тупроқлар муҳофаза минтақаси (0,5-0,75 км), I минтақа (0,75-1,5 км), II минтақа (2-8 км), III минтақа (4-15 км), IV минтақа (8-20 км), фон минтақаси (20-50 км) бўйича тадқиқ этилганда Кўкдумалоқ ва Шимолий Оқназар нефть конлари атрофидаги сур кўнғир ҳамда суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар фақат I ва II минтақаларда, «Муборакнефтгаз» УШК атрофидаги тақирли-ўтлоқи тупроқлар II ва III минтақаларда, Какайди нефть кони атрофидаги тақирли тупроқлар фақат I минтақада, Ховдак нефть кони атрофидаги кумли чўл тупроқлар I, II, III минтақаларда ифлосланган бўлиб, барча тупроқларнинг 0-5 см қатламида нефть ва нефть маҳсулотининг концентрацияси 5-20 см қатламга нисбатан юқори кўрсаткичга эга.

Чўл минтақасида тупроқларнинг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлословчи асосий манбалари нефть конлари ҳамда нефтьгаз саноати эканлиги асосланди. Нефть конлари бўйича тупроқ қопламининг ифлосланиши кондан узоқлашган сари тизимли камайиб борган, яъни бир текис камайиб борувчи ҳолатга эга, нефтьгаз саноатида эса ўзига яқин ҳудудда

кам, узоклашган сари ортган, сўнгра яна камайиб ортиб-камаювчи тарзига эга бўлган (2-расм).


Шунингдек, чўл минтақасида ушбу манбалар бўйича ифлосланишнинг кенгайишига таъсир қилувчи омиллар аниқланди, бунга кўра нефтгаз саноати жойлашган ҳудуд ҳароратининг юқори бўлиши, шамол тезлиги, нефть кони бўйича техник носозлик ва ҳалокатли ҳолатлар асосий омил ҳисобланади.

12



1-расм. Чўл минтақаси тупроқларининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш ҳолати (0-5 см, 5-20 см, г/кг)

13



2–расм. Чўл ҳудуди тупроқларининг ифлосланиш минтақалари ва генетик қатламлари бўйича ифлосланиш фарқлари

14


Ҳароратнинг ортиб бориши билан нефть-газ саноати тизимидан ифлословчи моддаларнинг ажраб чиқиш миқдори ортиб борган, шу нуқтаи назардан йил фасллари қуйидаги 3 гуруҳга ажратилди:

- минимал ифлосланиш ойлари - январ, феврал, ноябр, декабр;
- ўртача ифлосланиш ойлари - март, сентябр, октябр;
- максимал ифлосланиш ойлари - апрел, май, июн, июл, август.

Шамол тезлигининг юқори бўлиши нефтьгаз саноатидан чиқаётган ифлословчи моддаларнинг радиус бўйича кенг ёйилишига таъсир этган. Шамол тезлиги ортиши билан чиқаётган моддалар миқдори юқорида расмда кўрсатилган коэффициентга мувофиқ ортиб борган. Айнан «Муборакнефтьгаз» УШК атрофидаги тақирли-ўтлоқи тупроқларда табиий ҳолда учрайдиган нефть парчаловчи микроорганизмлар миқдори ҳар йили тушаётган нефть маҳсулотларини (углеводородлар, бензапирен ва бошқалар) парчалаш учун етарли эмас.

Нефть конлари ва «Муборакнефтваз» УШК фаолиятида бир-биридан фарқ қилувчи углеводородли, олтингугуртли ва бошқа моддалар тупроқ қопламига тушиб, йиллар давомида тупроқ хоссаларига салбий таъсирини ўтказиши аниқланди.

Тупроқлар нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши натижасида оғир металллар билан ҳам ифлосланган (3-расм).




3–расм. Тупроқларнинг нефть ва нефть маҳсулотлари таъсирида оғир металллар билан ифлосланиш ҳолати

Натижаларга кўра, сур қўнғир тупроқларда As 2,94; Cd 3,2; Cu 1,14 марта ортган, Co, Cr, Pb, Sb, V РЭЧУдан ортмаган, суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларда As 1,59; Cd 3,4; Cu 1,04; Sb 2,75 марта ортган, Co, Cr, Ni, Pb, V, Zn ортмаган, суғориладиган сур қўнғир тупроқларда As 6,26; Cd 9,0; Cu 1,09; Sb 1,57 марта ортган, Co, Cr, Ni, Pb, V, Zn ортмаган, суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқда Cr 1,3 Pb 1,66; Ni 1,12 марта ортган, As, Co, Cd, Cu, Sb, V, Zn ортмаган. Тақирли тупроқларда As 8,24; Cd 7,4; Cu 1,28; Sb 1,90 марта ортган, Co, Cr, Ni, Pb, V, Zn ортмаган, кумли чўл тупроқларда As 8,6; Cd 9,8; Ni 1,51; Cu 4,30; Sb 2,38; V 1,06 марта ортган, Co, Cr, Pb, Zn ортмаган. Нефть кони ва нефтгаз саноати манбалари бўйича ҳам

15

тупроқларнинг оғир металллар билан ифлосланишида тизимли фарқ мавжуд (4-расм).




КМ-0.0.8 КМ-10.2 КМ-10-6

4–расм. Ховдак нефть кони (чапда) ва «Муборакнефтваз» УШК (ўнга) атрофида тарқалган тупроқларнинг оғир металллар билан ифлосланиши

Икки хил ифлословчи манбалар атрофида тупроқларнинг оғир металллар билан ифлосланиши юқорида қайд этилган ифлосланиш ҳолатига монанд, яъни ифлосланиш даражасига боғлиқ ҳолда оғир металллар юқори бўлиб, узоқлашган сари бир текис камайиб борган, саноат атрофида эса манбага яқин жойда кам, узоқлашган сари ортган, сўнгра камайиб борган. Нефть конлари атрофида асосан As, Cd, Ni, Cu, Sb, V, «Муборакнефтваз» УШК атрофида эса Cr, Pb, Ni билан ифлосланган. Шунингдек, нефть кони атрофида оғир металллар билан ифлосланиш нефтваз саноатига нисбатан хавфли бўлиб, ифлосланиш концентрацияси ҳам юқори ҳисобланади.

Нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш натижасида тупроқ унумдорлиги учун аҳамиятли бўлган 0,25; 0,5; 1; 2; 3; 5; 7; 10 мм агрегатларнинг ўзаро миқдори кескин ўзгаришга учраган. Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар мисолида ўзгаришлар таҳлили 5-расмда келтирилган.



Фон

10 мм 7 мм 5 мм 3 мм 2 мм 1 мм 0,5 мм 0,25 мм

5–расм. Тупроқ агрегатларининг ўзгаришига нефть ва нефть маҳсулотларининг таъсири, %

Натижаларга кўра фонга (5,07%) нисбатан 0,25 мм агрегатлар нефть, бензин ва керосиннинг 5% ифлосланиш таъсирида ўзгармаган, 15%

ифлосланишда эса нефть таъсирида 0,01% гача, мотор мойи таъсирида 0,035% гача, керосинда 0,094% гача камайган, бензин эса таъсир қилмаган. 0,5 мм агрегатлари фонда 15,37% бўлиб, нефть таъсирида 5,05% гача, мотор мойи таъсирида 3,03% гача, керосин таъсирида 1,02% гача камайган. Миқдор жиҳатдан кескин камайган 0,25 ва 0,5 мм агрегатлари ҳисобига 1-3 мм агрегатларнинг миқдори кескин ортган, жумладан 1 мм агрегатлар фонда 19,14% бўлиб, мотор мойи таъсирида 34,15% га, керосин таъсирида 33,56% га ортган, 2 мм агрегатлар фонда 11,52% бўлиб, нефть таъсирида 17,36% га, мотор мойида 20,44% га тенг бўлган. Бензиннинг таъсири барча агрегатларда паст кўрсаткичга тенг. Тупроқдаги агрегатларнинг йириклашуви бензин → керосин → мотор мойи → нефть кетма-кетлигида ортиб бориш тартибда жойлаштирилди. Бу ҳар томонлама мураккаб агрофизикавий деградация жараёнини юзага келтиради.

Тадқиқ этилган тупроқлар таҳлилига кўра, нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши натижасида нефть суви билан чиқувчи тузлар таъсирида айрим тупроқлар техноген шўрланган (6-расм).

1,400

СТЕПЕН ЗАСОЛЕННОСТИ %

1,200 1,000 0,800 0,600 0,400 0,200 0,000

0 - 3⁵
 3⁵ - 6²
 0 - 3⁵
 3⁵ - 6²
 0 - 3⁵
 3⁵ - 6²
 0 - 3⁵
 3⁵ - 6²
 0 - 3⁵
 3⁵ - 6²
 0 - 3⁵
 3⁵ - 6²
 0 - 3⁵
 3⁵ - 6²
 0 - 3⁵
 3⁵ - 6²
 0 - 3²
 3² - 6⁰
 0 - 3⁵
 3⁵ - 6²
 0 - 3⁵
 3⁵ - 6²

ФОНККФОНКШОФОНКУФОНКМФОНККДФОНКХ

Курук қолдиқ НСО3- СI - SO4- -

6–расм. Тупроқларнинг нефть билан ифлосланиши таъсирида шўрланишнинг вужудга келиши


Тупроқларнинг техноген шўрланиши нефтнинг кимёвий таркибига боғлиқ ҳолда вужудга келган, жумладан КК кесмасига тегишли сур қўнғир тупроқлар фонда шўрланмаган, нефть билан ифлосланиш таъсирида ўртача

шўрланиш (хлор-сульфатли) вужудга келган, КШО кесмасига тегишли суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар фонда ўртача шўрланган (сульфат-хлоридли), ифлосланиш таъсирида эса ўзгармаган, КМ кесмасига тегишли суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқлар фонда шўрланмаган, ифлосланиш таъсирида ҳам ўзгармаган, КУ кесмасига тегишли суғориладиган сур кўнғир тупроқларда фонда шўрланмаган, ифлосланиш таъсирида ўртача шўрланиш (хлор-сульфатли) вужудга келган, ККд кесмасига тегишли тақирли тупроқлар фонда шўрланмаган, ифлосланиш таъсирида ҳам ўзгармаган, КХ кесмасига тегишли қумли чўл тупроқларда фонда ўртача шўрланган (хлор-сульфатли), ифлосланиш таъсирида

17

ўзгармаган. Бундан кўринадики, нефть билан ифлосланиш таъсирида вужудга келган техноген шўрланиш фақат КК ва КУ кесмаларига тегишли тупроқларда вужудга келган, қолган тупроқларда шўрланиш вужудга келмаган. Бу нефть конларидан нефть билан бирга чиқувчи хлоридли ва сульфатли тузларнинг миқдори билан боғлиқлиги асосланди.

Тупроқларнинг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши натижасида углерод миқдори кескин ортган. Тадқиқ этилган барча тупроқларда ифлосланиш углерод миқдорининг ортишига таъсир қилган, бироқ углероднинг қисқа вақтда кескин ортиши гумус миқдорининг ортишига таъсир қилмаган, чунки қисқа муддатда миқдори ортаётган углерод антропоген углерод ($C_{ант.}$) ҳисобланади (7-расм).



7-расм. Тупроқдаги углерод миқдорининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши натижасида ўзгариши

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, нефть билан ифлосланиш умумий углерод ($C_{ум.}$) миқдорининг ортишига таъсир қилган, жумладан 0-35 см, 35-62 см қатламда мос равишда КК-10-3 кесмада 0,22%; 0,18%; ККд-10-3 кесмада 0,31%; 0,14%; КХ-10-3 кесмада 0,44%; 0,34%; КУ-10-3 кесмада 0,25%; 0,14%; КМ-10-3 кесмада 0,32%; 0,27%; КШО-10-3 кесмада 0,21%; 0,14% га ортган. Барча кесмаларнинг 62-85 см ва ундан пастки қатламида углероднинг ортиши кузатилмади. Лаборатория шароитида ҳам нефть ва

нефть маҳсулотларининг (бензин, керосин, мотор мойи) 0,5-35% концентрацияларида 30 сутка давомида углероднинг ортиши аниқланганда, ушбу ҳолат исботланди. Углероднинг фақатгина тупроқ кесмасининг юқори қатламида ортиши нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш айнан юқори қатламларда вужудга келиши билан изоҳланади. Ифлосланиш таъсирида вужудга келган $C_{ант.гумус}$ билан корреляцион боғлиқлиги $r=-0,92$ га тенг, демак тупроқда ифлосланиш таъсирида $C_{ант.}$ ҳисобига $C_{ум.}$ миқдорининг ортиши гумуснинг ортишига олиб келмайди ва бу тупроқ учун аҳамиятсиз ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқларнинг рекультивацияси**» деб номланган тўртинчи бобида тупроқ микроорганизмларининг ифлосланиш таъсирида ўзгариши, нефть

18

парчаловчи бактерия штаммларининг хусусиятлари, рекультивация жараёни, унга стимулятив таъсир этувчи ўсимликлар, фаоллаштириш омиллари бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Рекультивация жараёни механизмини нефть парчаловчи MFD-100 *Pseudomonas stutzeri*, MFD-200 *Pseudomonas caryophyllis*, MFD-5000 *Bacillus subtilis* бактерия штаммларини қўллаш ва биоремедиация жараёнига стимулятив таъсир қилувчи беда (*Medicago falcata* L.), канджўхори (*Sorghum saccharatum*), ёвшан (*Artemisia diffusa* Н.Красч), қирқбуюрғун (*Anabasis eriopoda* (Scrnenk) Benth) ўсимликлари ташкил этади. Штаммларни биргаликда қўллаш алоҳида қўллашдан кўра юқори самара берди. Жумладан нефтнинг 5%, 12%, 23%, 37% концентрацияларида уларнинг максимал миқдори 45-суткада MFD-100 *Pseudomonas stutzeri* штаммимос равишда $3,7 \times 10^7$; $4,1 \times 10^7$; $4,5 \times 10^7$; $4,6 \times 10^7$; MFD-200 *Pseudomonas caryophyllis* штамми $3,2 \times 10^7$; $3,5 \times 10^7$; $3,7 \times 10^7$; $3,9 \times 10^7$; MFD-5000 *Bacillus subtilis* штамми $3,6 \times 10^8$; $3,7 \times 10^8$; $3,8 \times 10^8$; $3,9 \times 10^8$; консорциум ҳолатда эса $7,2 \times 10^9$; $7,6 \times 10^9$; $7,8 \times 10^9$; $7,9 \times 10^9$ хуж/мл титрида аниқланди. Шу нуқтаи назардан штаммларни консорциум тарзида қўллаш тавсия этилди.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари чўл минтақасининг тупроқ-иқлим шароити, нефтнинг кимёвий таркибини инобатга олиб рекультивациянинг куйидаги индивидуал омиллари ажратилди: ифлосланиш тавсифи (ифлосланиш муддати, даражаси, тури), иқлим омили (хароратнинг юқорилиги, ёғиннинг камлиги), тупроқнинг кимёвий таркиби ва хоссалари, тупроқнинг микробиологик ҳамда биологик кўрсаткичлари.

Рекультивация технологияси қабул қилинган Давлатлараро стандарт (ГОСТ: 17.5.1.01.-83) талаби, ҳорижий тажрибалар ва тадқиқот ҳудудининг тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда яратилди. Биологик усулга асосланган мазкур рекультивация технологияси 3 давр, 3 босқичда амалга оширилувчи 6 турдаги 11 та тадбирлар мажмуидан иборат бўлиб, унинг муддати ифлосланиш даражаларига кўра даврлаштирилди (1-жадвал).

1–жадвал

Нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган чўл минтақаси тупроқлари

**рекультивациясининг минимум ва максимум вақт меъёрлари бўйича
даврлаштирилиши (ой ҳисобида)**

Даврлар	Ифлосланиш даражалари			
	Кучсиз	Ўртача	Кучли	Жуда кучли
Рекультивацияга тайёрлаш даври	1–2	1–2	1–2	1–2
Рекультивация (биоремедиация) даври	10–14	16–22	24–34	37–46
Тупроқ унумдорлигининг дастлабки тикланиш даври	4–6	8–10	10–12	12–16
Умумий давр	15–22	25–34	35–48	50–64

19

Чўл минтақаси тупроқларида рекультивациянинг бориш даври турлича бўлиб, умумий таҳлил қилинганда ифлосланиш даражаларига мувофиқ ҳолда 15-64 ой орасига тўғри келади, бунда энг кўп вақт сарфи 72% биоремедиация даврига тўғри келди. Тупроқ унумдорлигининг тикланишидаги вақт сарфи дастлабки ҳолати учун бўлиб, вақт ўтиши билан фон минтақаси тупроқларига тенглашади.

Ўрганилган тупроқларнинг тозаланиш даражаси турлича кўрсаткичга тенг бўлди (2-жадвал), бунда тозаланиш даражаси қумли чўл тупроқларда $92,87 \pm 2,4\%$; суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқларда $74,19 \pm 1,43\%$; сур қўнғир тупроқларда $74,75 \pm 2,10\%$; суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда $93,12 \pm 2,48\%$; тақирли тупроқларда $82,91 \pm 2,12\%$; суғориладиган сур қўнғир тупроқларда $94,4 \pm 2,39\%$ ни ташкил этди.

2-жадвал

**Нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқларнинг
тозаланиш ҳолати**

Тупроқлар	Кўрсаткичлар		
	Рекультивациядан		Тозаланиш даражаси, %
	аввал нефть микдори, г/кг	кейин нефть микдори, г/кг	
Қумли чўл	$82,7 \pm 2,14$	$5,89 \pm 0,12$	$92,87 \pm 2,49$
Суғориладиган тақирли-ўтлоқи	$11,2 \pm 0,20$	$2,89 \pm 0,03$	$74,19 \pm 2,07$
Сур қўнғир	$10,3 \pm 0,21$	$2,60 \pm 0,22$	$74,75 \pm 2,11$
Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал	$6,4 \pm 0,15$	$0,44 \pm 0,005$	$93,12 \pm 2,58$

Тақирли	2,4±0,05	0,41±0,003	82,91±2,08
Суғориладиган сур кўнғир	0,54±0,02	0,03±0,0005	94,44±2,94

Тозаланиш даражасининг турлича бўлиши тупроққа тушган нефть ва нефть маҳсулотининг миқдори, кимёвий таркиби ҳамда тупроқ хоссаларига боғлиқ бўлиб, вақт ўтиши билан қолган нефть ва нефть маҳсулотларининг миқдори камайиб, тупроққа таъсири кузатилмайди.

Диссертациянинг «**Тупроқ унумдорлигининг тикланиши, хаританомаларнинг яратилиши ва рекультивация жараёнини иқтисодий таҳлили**» деб номланган бешинчи бобида тупроқ унумдорлигининг тикланиши, ифлосланишнинг ҳозирги ва истиқболдаги ҳолати башорат қилиниб, хаританомалар таҳлили ҳамда рекультивациянинг иқтисодий кўрсаткичлари баён этилган.

Тупроқ қоплами рекультивация натижасида тозаланганидан кейин, унумдорлик кўрсаткичлари вақт ўтиши билан аста-секин тикланади. Шу нуқтаи назардан, чўл минтақасида тарқалган тупроқларни унумдорлигини тиклаш ва муҳофаза қилишга алоҳида ёндашиш тавсия қилинди. Чўл минтақаси учун тупроқларнинг унумдорлик кўрсаткичлари ва минимал тикланиш коэффициентлари қабул қилинган Давлатлараро стандарт (ГОСТ: 17.4.2.02-83) асосида тупроқ-иқлим шароити ва ифлосланиш тавсифи ҳисобга

20

